



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 29 март, № 64 (8959)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ОДАМИЙЛИК ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ



Яқинда юртимиз миқёсида файзли ифторлик маросими бўлиб ўтди. Бугун муборак Рамазон ҳайити арафасида турибмиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ифторлик маросимидagi нутқида ва ҳайитни нишонлаш тўғрисидаги қарорида энг кўп айтилгани “хайр-саховат”, “меҳр-оқибат”, “инсонпарварлик” сўзлари бўлди.

Ўйлаб қоласан: нега давлатимиз раҳбари бу хислатларни бунчалик улуғлайди? Бу эзгу даъватми ёки ҳаётий қадрият?

Эзгулик

1996 йил, ЖИЗЗАХ

Кеч куз. Совуқ тушиб қолган. Ҳамманинг фикри-дарди пахта режасини бажаришда. Ҳокимлардан биринчи навбатда шу сўраларди. Одамларнинг турмуши, етимлар, ногиронлиги борларнинг аҳволи эсга ҳам келмайдиган.

Ўша йили вилоятга янги ҳоким бўлиб келган Шавкат Мирзиёев ишни жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан танишишдан бошлайди. Бир кунги кечкурун шаҳардаги маҳаллаларни айланиб юрганида эски бир мактабга кўзи тушади. Кириб қараса, ёш болалар совуқдан дийдираб ўтирибди.

Маълум бўлишича, бу ерга 29-Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари вақтинча жойлаштирилган экан. Мослашмаган бино бўлгани учун шароит бир аҳволда. Бечора болакайлар эътибордан четда қолган. Ҳатто вилоятдаги айрим мутасаддилар Жиззаҳда шундай Меҳрибонлик уйи борлигини ҳам билмаган.

У пайтларда маҳаллий бюджет деган нарсаси йўқ, ҳокимликларнинг “қўли калта”. Шундай бўлса-да, Шавкат Мирзиёев ташкилотларни уюштириб, маблағ топиб, болаларни янги бинога кўчиришга киришади.

Тарбиячи Умида Муҳаммадиева шундай эслайди:

— Бу болаларимиз ҳаётида қутилмаган бахтли воқеа бўлганди. Биласиз, у ердаги болаларнинг кўнглини топиш осонмас, ичида тушкунлик, умидсизлик бўлади. Ўша кунги Шавкат Мирмонович келганидан кейин ҳаммаси бутунлай ўзгариб кетди. 1997 йилда ёзги оромгоҳдан қайтсак, бизни янги, чиройли бино қарши олди.

Унинг очилишига вилоят ҳокими бошчилигида ҳамма раҳбарлар келди. Зўр байрам бўлди. Энг эсимда қолгани — Шавкат Мирзиёев вақтини аямай, эринмай, 100 дан зиёд болалар билан бирма-бир гаплашиб чиққан эди. Уларнинг ўқишини, қизиқишларини сўраб, катта-катта мақсадларга ундаганди. Шу пайтгача бундай эътибор кўрмагани учун ҳамма ҳайрон қолган. Болаларда умид уйғониб, анча вақтгача тўлқинланиб юрган.

Вилоят ҳокими ундан кейин ҳам тез-тез келиб турди. Айниқса, ҳар байрамдан олдин болалар “Ҳоким бобомиз келади”, деб хурсандчилик билан кутарди. Ҳақиқатан ҳам, у киши совға-саломлар билан келарди. Ундан ташқари, Меҳрибонлик уйимизга “Дамас”, автобус, телевизор, компьютер ва турли китоблар берилган.

Бу ғамхўрликнинг бир томони. Асосийси — Шавкат Мирмонович ўзи бош бўлиб, ҳар бир ўғил-қизга ҳомий тайин қилганди. Улар болаларнинг кам-қўстидан хабар олиб, ўқиши ва тарбиясига масъул эди. Шундан ҳамма муассасамиздаги муҳт

шиланди. Битирувчиларимиз яхши касбларни эгаллаб, ҳаётда ўз ўрнини топди. Бири ўқитувчи, бири тадбиркор, яна бири ҳарбий бўлди, — дея мамнун сўзлайди Умида опа.

Жумладан, ўшанда вилоят ҳокимлиги Муҳиддин исми болани ҳомийликка олган эди. Биз унинг ўша пайтдаги хотиралари, кейинги тақдири билан қизиқдик. — Мен 1985 йилда туғилганман, Меҳрибонлик уйида уч ака-ука эдик, — деб эслайди Муҳиддин Юсупов. — Бир кунги бизни раҳбарлар оталиққа олишганини айтишди. Аллоҳнинг марҳамати билан, мен вилоят ҳокимлиги қарамогига тушибман. Шу туфайли менинг синовли болагим бахтли ўтди, ҳаётим изга тушди.

Биз шаҳардаги 4-мактабда ўқирдик. Иқтисодий қийин даврлар бўлса ҳам, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз учун ҳамма шароит қилиб берилганди. Йилнинг тўрт фаслида бош-оёқ янги кийимлар киярдик. Ўғил-қизлар қизиқишига қараб, спорт ва санъат тўғрисида қатнардик. Мен “Сўғдиёна” футбол клубига бириктирилгандим. Ҳар йили жамоанинг оригинал кийимлари, бутислари келарди. Шу туфайли спортга қизиқишим ортган.

Бир нарсани айтсам, ҳайрон қоласиз: Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Меҳрибонлик уйидаги ҳар бир болага унга масъул раҳбарнинг телефон рақами берилганди — дарду ташвишларини бевосита айти олиши учун.

Бир кунги ётоқхона деразасидан қараб ўтирсам, маҳаллада биз тенги бола янги велосипед ҳайдаётган экан. Қўриб, болаларча ҳавасим келди. У пайтлар велосипед жуда камёб, ёшларнинг энг катта озу-зуси эди. “Мен ҳам минармиканман”, деб кўнглим ўксиди.

Бунга тарбиячиларимиз билиб, мутасаддиларга етказган экан, ўша кунгича вилоят ҳокимлиги вакиллари янги велосипед олиб

келган! Кеч тушганига қарамай ётоқхонамизда байрам бўлиб кетганди. Бу — болагимиздаги энг унутилмас кун!

Ҳа, Шавкат Мирзиёев ана шундай меҳри дарё инсон. Ҳеч нарсани эътибордан четда қолдирмайди, айтганлари сўзсиз бажарилади. Мен бундай меҳрибон, мард ва кучли шахсни бошқа кўрмадим.

Бизни кейинчалик ҳам эътибордан четда қолдирмади. Мен ҳам вилоят ҳокимлиги тавсияси билан аввал спорт мактабига, кейин Фарғонадаги ҳарбий лицейда ўқидим. Бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланаман. Оилам, икки нафар ўғлим бор. Ҳозирги ҳаётим учун Шавкат Мирмоновичдан бир умр миннатдорман. Улардан кўрган меҳримни болаларимга, яқинларимга беришга ҳаракат қиламан.

2003 йил, САМАРҚАНД

Одамийлик иши Самарқандда ҳам давом этди. Шавкат Мирзиёев ҳоким бўлиб келгач, бу азиз жойни чиқиндилардан тозалаттирди, зиёратгоҳларни обод қилди, илм ахлини улуғлади. Узоқ кишлоқларда мактаблар қурдириб, борларини таъмирлашга эътибор қаратди.

Шулардан бири — Самарқанд шаҳридаги 59-“Нурли маскан” мактаб-интернати. Бу муассаса 1974 йилда қурилган бўлиб, кўзи ожиз болаларни бағрига олган. Шавкат Мирзиёев 2003 йилда уни бориб кўрганини мактаб жамоаси ҳозиргача яхши эслайди.

— Интернатимиздаги шароитларни яхшилаш бўйича биринчи қадамлар ўшанда қўйилган, — дейди ўқитувчи Зокир Маҳаматов. — Дастлаб жузъий таъмир бўлди, кўшимча ўқув қуроллари келди. 2009 йилда ҳукуматимиз қарори билан мактаб капитал таъмирланди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОРОЛ МАДАНИЯТ САММИТИНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Оролбўйи минтақасида қулай табиий муҳит яратиш, ҳудуднинг ноёб маданияти ва тарихий меросини асраб-авайлаш ҳамда кенг оммалаштириш, ушбу йўналишларда илмий тадқиқот ишлари, инновацион лойиҳалар ва ижодий ташаббусларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни янада кенгайтириш мақсадида қарор қиламан:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2023 йил 22 — 24 март кунлари Нью-Йорк шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтган сув ресурсларига бағишланган конференциясида Ўзбекистон Республикаси томонидан Орол маданият саммити лойиҳасини амалга ошириш ташаббуси илгари сурилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2025 йилдан бошлаб ҳар ўн саккиз ойда — баҳор

ёки куз фаслларида Орол маданият саммити (кейинги ўринларда — Саммит)ни ўтказиб бориш йўлга қўйилсин.

3. Биринчи Орол маданият саммити Самарқанд иқлим форуми билан уйғун ҳолда 2025 йил 4 — 6 апрел кунлари Самарқанд ва Нукус шаҳарларида юқори савияда ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар Саммитнинг асосий мақсад ва йўналишлари этиб белгилансин:

(а) Оролбўйида ва дунёнинг бошқа минтақаларида юзага келган экологик муаммоларни муҳофама қилиш ҳамда оқилона ечимларни тақдим этиш учун глобал платформа яратиш;

(б) Оролбўйи муаммоларини ҳал этишда фанлараро ёндашувни ривожлантириш;

(в) барқарор ечимлар ва стратегиялар яратишга қаратилган таълим дастури асосида Орол мактабини ташкил этиш;

(г) замонавий технологиялар ва анъанавий меъморчилик асосида “Истиқлол” маданият ва истироҳат боғи, боғ ҳудудида жойлашган болалар кутубхонасини қайта барпо этиш ҳамда улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

(д) етакчи маҳаллий ва хорижий мутахассислар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда Оролбўйи минтақасида сув ва тупроқ тадқиқотлари олиб бориш;

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ОЛМАОТА ШАҲРИДА НОРАСМИЙ УЧРАШУВ ЎТКАЗАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 29 март куни олий даражадаги норасмий учрашув ўтказиш учун амалий ташриф билан Олмаота шаҳрида бўлади.

Икки мамлакат делегациялари иштирокида Ўзбекистон — Қозоғистон яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини изчил мустақамлаш масалалари ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилади.

Савдо, саноат кооперацияси, транспорт ва логистика, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳамда фаол ҳудудларро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш эътибор марказида бўлади.

Эслатиб ўтиш жоизки, ўтган йилнинг апрель ойи бошида Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчиларининг шундай икки томонлама учрашуви Хива шаҳрида бўлиб ўтган эди.

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олийжаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 488 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 100 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 268 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 34 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 86 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди.

Афв этилганларнинг

Ў.А.

Сенаторлар — ҳудудларда

ОЛИС ОВУЛЛАРДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Қорақалпоғистонда бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аҳолининг турмуш шароити, муаммолар ва уларнинг ечими бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Сенат Раиси, даставвал, Беруний туманидаги маҳаллаларда бўлиб, аҳолининг ижтимоий муаммоларини тинглади. Ҳудудларда бандлик масалаларини ҳал этиш, аёллар ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, инфратузилмани яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, ўрганишлар давомида томорқалардан самарали фойдаланиш бўйича бажарилаётган ишлар ҳам диққат марказида бўлди. Бир қатор муҳим лойиҳалар, уларнинг ижроси, ҳудудий инфратузилмани яхшилаш, бандлик ма-

салалари ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Беруний туманидаги “Райхон Аппарел” корхонаси тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосида яратилган, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Лойиҳанинг умумий қиймати 16 млн. АҚШ долларини ташкил этади ва бу ерда 300 та иш ўрни яратилган. Корхонанинг йиллик экспорт ҳажми 4 млн. АҚШ доллари даражасида бўлиб, асосан, Россия бозорига йўналтирилган.



ОЛИС ОВУЛЛАРДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Ташриф давомида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида аҳолининг муносабатларини ўрганиш, давлат органлари билан аҳоли ўртасида очик мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, муносабатларнинг кунлиги ва сифати кўриб чиқишларини таъминлашда самарали механизми йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган махсус штаб фаолиятига оид тақдирот билан ҳам танишилди.

Махсус штаб ҳудудларда фуқароларнинг ижтимоий тармоқларида қилган муносабатларини, тегишли идоралар томонидан оператив тарзда аниқланаётган муаммоларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ҳамда Халқ қабулхоналари орқали келиб тушаётган, кўпчиликнинг қайғиғида қолган таъсир этадиган муаммоларни тезкорлик билан ўрганиб, уларни қонун доирасида ҳал қилиш ва бундай ҳолатларни олдиндан аниқлаш ҳамда бартараф

этиш бўйича тизимли ишларни амалга оширади. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлардаги аҳолининг муносабатлари юзасидан соҳа раҳбарларининг иштирокида Қорақалпоғистон телевидениесида "Очик микрофон" онлайн шаффоф мулоқоти ташкил этилган.

Шундан сўнг масъуллар иштирокида Қорақалпоғистон Республикасида хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш масалаларига доир йиғилиш ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга оид қўшимча" чора-тадбирлар туғрисида" қўри қарори ижроси ҳолати муҳокама қилинди.

Хотин-қизларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг меҳнат бозоридagi иштирокини кенгайтириш, ай-

ниқса, қишлоқ жойларда ва кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизлар учун янги иш ўринлари очиш, уларнинг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, хотин-қизларга тенг имкониятлар яратиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Навбатдаги манзил — Нукус шаҳридаги 1-сонли болалар спорт мактаби бўлди. Бу ерда ёш велосипедчилар билан учрашувда мамлакатимизда сўнгги йилларда велоспорти ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда велоспорт 6 та устувор спорт туридан бири этиб белгилангани айтилди. Тадбир давомида ўқув муассасасига "Дамас" автомобили ҳамда велосипедлар тақдим этилди.

Сенат Раиси Нукус шаҳридаги Бўз овул фаоллари билан ҳам учрашди. Ушбу маҳаллада 116 нафар хотин-қиз "аёллар дафтери"га киритилган бўлиб, уларнинг бандлигини таъмин-

лаш мақсадида 12 нафарига имтиёзли кредитлар, 10 нафарига субсидия ажратиш режалаштирилган. Маҳаллада мактабгача таълим муассасасининг йўқлиги аҳолининг асосий муаммоларидан бири сифатида қайд этилди ва бу борада тегишли ташкилотларга вазифалар юкланди.

Шу билан бирга, маҳалладаги ногиронлиги бор 167 нафар фуқарога қўшимча ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва уларнинг бандлигини ошириш бўйича аниқ чоралар белгиланди.

Тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб инфратўзимлари ривожлантириш, айниқса, электр энергия таъминоти ва йўллар сифатини яхшилаш бўйича муҳим лойиҳалар билан ҳам танишилди. Хусусан, Бўз овул ва Беруний маҳаллаларида эскирган электр тармоқлари ва трансформаторлари алмаштириш зарурлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

ТЎРТКЎЛНИ КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Кеча Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Сайёр мажлис

Унда миллий ва ҳудудий кенгашларнинг аъзолари, сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вазирлиқлар, ташкилот ва идоралар раҳбарлари ҳамда фаоллар иштирок этди.

Мажлис кун тартиби доирасида Қорақалпоғистон Республикасида криминоген вазиятни барқарорлаштириш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Кайд этилганидек, мамлакатимизда коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш ишлари мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга чиқди. Жорий йил 5 март куни бўлиб ўтган

йиғилишда Президентимиз коррупцияга қарши курашиш бўйича мавжуд вазиятни ва устувор йўналишларни тушунтириб берган эди. Шу кундан эътиборан бу борадаги ишлар белгилаб берилган йўналиш ва вазифаларга мос равишда қайта кўриб чиқилди ҳамда фаоллаштирилди.

Шундан келиб чиқиб, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг сайёр мажлиси ҳам айнан Тўрткўл туманида ўтказилди.

Унда парламент палаталарининг масъул қўмиталари раислари бошчилигида алоҳида ишчи гуруҳлар тузилиб, криминоген вазиятни барқарорлаштириш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича жойлардаги реал ҳолатни ўрганиш борасида ишлар олиб борилаётгани алоҳида қайд этилди.

Хусусан, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қўтбиддин Бурхонов бошчилигидаги

ишчи гуруҳ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида кенг қамровли ўрганишлар олиб борилди.

Ўрганиш натижалари бўйича мутасаддиларнинг тегишли ахборотлари эшитилди.

Ҳудудда криминоген вазиятни барқарорлаштириш ва коррупцияга қарши курашишда ички ишлар, соғлиқни сақлаш, мактабгача ва мактаб таълими тизимларидаги жараёнлар эътибордан четда қолаётгани айтилди.

Соҳаларга масъул раҳбарлар томонидан кун тартибидagi масалалар юзасидан тушунтиришлар берилди.

Тўрткўл туманини коррупциядан холи ҳудудга айлантириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар режаси амалга оширилиши белгиланди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгаш билан биргаликда махсус лойиҳа доирасида барча мутасадди вазирлик, идоралар фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши қайд этилди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИДА МУҲИМ ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК

Парламентлараро Иттифоқнинг юбилей ассамблеяси мамлакатимизда ўтказилади

Бугун дунёнинг турли нуқталарида мураккаб геосийёсий жараёнлар, кескинлик ва иқтисодий тангликлар кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай мураккаб вазиятларда фаол таъсир сиёсат орқали халқаро майдонда миллий манфаатларни самарали илгари суриш муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари бошчилигидаги тамомила янгича мазмун касб этаётган фаол ва прагматик таъсир сиёсат тўғрисида мамлакатимиз жаҳон сиёсатининг марказларидан бирига ва глобал ташаббуслар муаллифига айланаётгани ҳам бор гап.



Ҳеч шубҳа йўқки, миллий сиёсат ва дастурларнинг амалга оширилишини парламентлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Кейинги йилларда миллий парламентимиз ҳам Президентимиз раҳбарлигидаги демократик ўзгаришлар, иқтисодий юксалиш ва таъсир сиёсатининг фаол иштирокисчи сифатида қўриш мумкин, албатта. Хусусан, халқаро алоқаларни мустақамлаш борасида сифат жиҳатдан янги, салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Етақчи хорижий давлатлар парламентлари, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустақамлаш юзасидан аниқ натижаларга эришилган. Йирик халқаро парламент тузилмаларининг тўлақоғли аъзоси сифатида нуфузли анжуманларга мезбонлик қилиб, муҳим тақлиф ва ташаббусларни дадил илгари сурмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган парламентлараро алоқалар янги таҳдирдаги Конституция ҳамда "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга ҳамоҳанг равишда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариляпти. Парламентнинг халқаро алоқалар географияси кенгаймоқда. Жаҳон миқёсида Ўзбекистон миллий манфаатларини ифода этиш, хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро парламентлараро ташкилотлар билан мустақам ҳамкорлик тобора ривожланиб борапти.

Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда Бухоро шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадларига бағишланган Халқаро парламент форуми ҳамда Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарлари 14-саммитининг муваффақиятли ўтказилгани фикримизга ёрқин мисол бўла олади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясини Ўзбекистонда ўтказиш ташаббусини илгари сурганди. Швейцариянинг Женева шаҳрида ташкилот бош қотиби Мартин Чунггон ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ўртасида бу борада битим имзоланди. Шунга кўра 5 — 9 апрель кунлари Марказий Осиё тарихида илк мартаба Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Парламентлараро Иттифоқ: бу қандай ташкилот?

Парламентлараро Иттифоқ 1889 йилда таъсис этилган бўлиб, халқаро ташкилотлар орасида ёши энг улугиридир. Бу нуфузли ташкилот дунё парламентларнинг етақчи халқаро органи сифатида мамлакатларни ўзидa бириштирган. 1971 йилдан бунён бош қароргоҳи Женевада жойлашган. Шунингдек, АКШнинг Нью-Йорк ва Австриянинг Вена шаҳарларида ҳам идораларига эга.

Аъзо парламентлар ва уларнинг депутатлари ўртасида юксак қадриятларни илгари сурадиган ушбу ташкилот барча миллатлар ўртасида ҳамкорлик ва мулоқотни рағбатлантириб келмоқда. Айни вақтда тинч ва ҳамоҳанг келажакни таъминлаш учун самарали қарорлар қабул қилиш йўлида хизмат қилмоқда.

Тинчликни парламентлараро дипломатия ва мулоқот орқали тарғиб этишга йўналтирилган бу ташкилот бугунги кунга келиб, 180 дан зиёд парламентлар ва 15 та ассоциациялашган аъзо билан ҳақиқий глобал ташкилотга айланди.

Шiori: Демократия учун. Ҳар бир киши учун. Шунингдек, ташкилот демократик бошқарув, институтлар ва қадриятларни илгари суради, парламентлар ва парламентарийлар билан биргаликда халқнинг эҳтиёж ҳамда озурақларни ифодалаш ва уларга жавоб бериш учун ишлайди. Сийёсий мулоқот, ҳамкорлик ҳамда парламент фаолияти орқали тинчлик, демократия, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқлим ҳаракати ва барқарор ривожланиш учун интилади.

Парламентлараро Иттифоқ дунё мамлакатларининг қонун чиқарувчи органлари учун глобал мулоқот майдонини бўлиб, унинг доирасида муҳокама қилинган масалалар жаҳон ҳамжамияти эътиборига етказилади. Бугунги кунда Парламентлараро Иттифоқнинг овози дунё бўйлаб тобора баланд янграмоқда.

Аъзолик ва ҳамкорлик

Ўзбекистон Парламентлараро Иттифоққа 1992 йилда аъзо бўлган. Мамлакатимиз 2017 йил 13 октябрдан махсус ташкилотдаги аъзолигини қайта тиклади. Бугунги кунда Олий Мажлисимиз Парламентлараро Иттифоқ билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

2019 йил 17 октябрда Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор мамлакатимиз вакили Парламентлараро Иттифоқ Жироя қўмитасининг аъзоси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов 2020 — 2023 йиллар оралиғидаги муддатга ушбу юксак лавозимга сайланди.

Албатта, Иттифоққа аъзолик парламентлараро мулоқотни йўлга қўйиш, таъриба алмаштириш, жаҳон ҷамоатчилигини мамлакатимиз ички ҳамда ташқи сиёсати, бой маънавий ва маданий мероси, юртимизда олиб борилаётган ислохотлардан хабардор қилиш имконини беради.

Нима учун айнан Ўзбекистон?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳондаги 180 дан зиёд парламентларни бириштирган ушбу нуфузли тузилма ўзининг юқори органи — ассамблеяни парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий таърибаси мавжуд бўлган мамлакатларда ўтказди.

Бу гагли юбилей ассамблеясининг айнан бизнинг юртимизда ўтказилиши замирида ҳам соҳадаги ютуқлар акс этади, албатта. Аввало, янги Ўзбекистондаги ислохотлар фалсафаси ҳам, ўз навбатида, "инсон, ҷамяият ва давлатнинг барқарор ривожланиши" ҳамда 2030 йилгача мамлакатининг барча белгиланган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишини таъминлаш ғояларига асосланган.

Бугун мамлакатимизда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад

ва вазифаларга ўз вақтида эришиш бoрасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Қабул қилинаётган қонунлар, стратегиялар ва давлат дастурларининг миллий мақсад ва вазифаларга мослиги, шунингдек, соҳада олиб борилаётган самарали парламент назорати ҳам Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича таърибаси бутун дунёга намуна сифатида тақдим этишга муносиб, деяр айта оламиз.

Бу таъриба қашшоқликка, очликка бараҳм бериш, озик-овқат хавфсизлиги ва яхши овқатланишга эришиш, қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига қамқамлаш борасида олиб борилаётган самарали ишларда ўз аксини топтоқда.

Нафақат юртимизда, балки Марказий Осиё минтақасида парламент йўналишидаги бундай нуфузли тадбирнинг биринчи мартаба ташкил этилаётгани тарихий воқеалидир. Бу, албатта, биринчи навбатда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, парламентаризмни ривожлантириш йўлидаги савй-ҳаракатларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганини тасдиқлайди.

Қолаверса, бу мезбонлик Ўзбекистон парламентининг барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда қайта фаол иштироки, норматив-ҳуқуқий базанинг халқаро стандартларига мос равишда тақомиллаштирилиши, парламент даражасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглиги масалаларини илгари суриш, Ёшлар парламенти доирасида ёшларнинг қонун иждоркорлиги фаолиятига кенг жалб этилиши билан ҳам изоҳланади.

Кутилаётган натижалар

Жорий йил апрель ойининг 5 — 9 саналарида "Tashkent City" ҳудудидagi Конгресс-холл мажмуасида ўтказиладиган махсус анжуманда дунёнинг 180 та мамлакатли, 15 та кузатувчи давлат ҳамда 25 дан ортиқ халқаро ва парламентлараро ташкилотлардан икки мингга яқин делегатлар иштирок этиши кўтилмоқда.

Йиғилишнинг асосий мавзуси "Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати" бўлиб, унда камбағалликни бартараф этиш, муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, ижтимоий инклюзияни қўллаб-қувватлаш ва қарор қабул қилиш жараёнида камситилган гуруҳлар иштирокчини ошириш каби долзарб масалалар муҳокама этилади.

Шунингдек, мавзу доирасида бутун дунё парламентлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва ўз таърибларини билан ўртоқлашади. Бир ҳафта давомида Парламентлараро Иттифоқнинг қўмиталари томонидан инсон ҳуқуқлари ҳимояси, гендер тенгликни таъминлаш, илм-фан ва технология, ёшлар масалаларига бағишланган турли тадбирлар ташкил этишга доир чора-тадбирлар белгиланган.

Айтиш керакки, Парламентлараро Иттифоқ ассамблеясининг мамлакатимизда ўтказилиши парламентлар ўртасида халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар бўйича ўзаро таъриба алмаштириш, Ўзбекистон парламенти фаолияти билан танишиш, 2030 йилгача бўлган стратегияни амалга оширишда парламентларнинг иштирокчини кенгайтириш, БРМга эришиш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглигини таъминлаш, ёшларга имкониятлар эшиклари очиш, иқлим ўзгаришига қарши курашда парламентлар ҳамкорлигини кўриб чиқиш шaroитини кенгайтиради. Ва албатта, аҳоли фаровонлигини бундан да ошириш, инсон қадри ҳамда қўмматиини юксалтириш йўлида самарали қадамларни янада мустаҳкамлайди.

Ҳусан ЭРМАТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш
масалалари қўмитаси аъзоси.

Ҳозирги глобал ўзгаришлар ва таҳдидлар шaroитида 181 давлат парламенти ва 15 та минтақавий парламент бирлашмасини ўз ичига олган, дунёдаги энг қадимий ва нуфузли ташкилот учун ўзининг 150-юбилей ассамблеясини Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ўтказиши стратегик аҳамиятга эга. Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қамровли ва ҳуқуқ демократик ислохотлар натижаси, халқаро ҳамжамиятнинг юртимизга бўлган юксак ишончи ифодасидир.

Таъкидлаш жоизки, Парламентлараро Иттифоқнинг фаолияти ва устувор йўналишлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар билан ҳамоҳангдир. Эеро, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, атроф-табiiй муҳитни асраб-авайлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, аёллар ҳуқуқларини таъминлаш, ёшлар ва муносиб меҳнат масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Парламентлараро Иттифоқнинг 2022 — 2026 йиллар учун стратегиясида ҳам иқлим ўзгаришига қарши чора-тадбирлар, демократия, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва ёшларнинг иштирокчини таъминлаш, тинчлик ва хавфсизлик, барқарор ривожланиш каби устувор йўналишлар белгиланган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги устувор вазифалар билан ўйгунлик касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда гендер тенглиги ва аҳоли барча қатлами манфаатларини инобатга олиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар "ҳеч кимни ортда қолдирамаслик" тамойилига асосланган. Айнан ушбу тамойилни Парламентлараро Иттифоқ ҳам ўз фаолиятида бош ҳаракатлантирувчи омил сифатида эътироф этган.

Ижтимоий адолат ифодаси

Охириги йиллардаги энг муҳим ютуқлардан бири — мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигидир. Президентимиз ташаббуси билан 2020 йилда мамлакатимизда камбағаллик даражасини аниқлашнинг "Минимал истеъмол ҳаракатларини" ҳисоблаш услуби жорий этилди ва камбағаллик тушунчаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

2020 йилда юртимизда камбағаллик даражаси 17 фоизни ташкил қилган бўлса, тизимли ислохотлар натижасида 2022 йил якунари бўйича бу кўрсаткич 14,1 фоизга, 2023 йил якунида 11 фоизгача камайди. 2024 йилда эса камбағаллик даражаси 8,9 фоизга тушиди.

Бу ютуқлар барқарор макроиктисодий ўсиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолига ажратилган томоққа ва ижара ер майдонларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш тўғрисида қарор қилинган. 2024 йилда аҳолининг реал даромадлари 10,7 фоизга ошиб, жон бошига ўртача 2,1 млн. сўмдан тўғри келди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2023 йилдаги тегишли Фармони билан "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури қабул қилиниб, унга мувофиқ "Камбағал оилалар реестри" ишга туширилди ва оилаларнинг моддий-мулкий ҳолатини баҳолаш тизими тақомиллаштирилди. Бугунги кунга қадар 881 минг оиланинг турмуш шaroити ўрганилиб, уларнинг 416 минги "Камбағал оилалар реестри"га киритилган.

Камбағалликни қисқартиришга қаратилган комплекс дастурлар ва қабул қилинган замонавий ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар тўғрисида 2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш, ижтимоий фаолигини кўчатириш, томоққа ва ижара ерларидан самарали фойдаланиш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Бу, ўз навбатида, "Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати" деб номланган

Парламентлараро Иттифоқ 150-ассамблеясининг устувор йўналишлари билан тўлиқ ҳамоҳангдир.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини

таъминлашда масъуллиқ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҷамяиятдаги мавқеини яхшилаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида сўнгги йилларда изчи ислохотлар олиб боришмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокисчи бўлмоғи шарт.

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлиги, давлат хотин-қизларнинг бошқарув, шунингдек, ҷамяият ҳаётининг бошқа соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш ҳам янги таҳдирдаги Конституциямизда мустаҳкамланган.

Бугун аёлларнинг бошқарув соҳаларидаги улуши сезиларли даражада ошганини рақамларда ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, 2017 йилда бошқарув соҳасида хотин-қизлар ўртача 20 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилда бу рақам 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизи, Сенат аъзоларининг 27 фоизи, маҳаллий Кенгаш депутатларининг 32 фоизи аёллардир. Бундан ташқари, опа-сингилларимизнинг тадбиркорлик соҳасидаги улуши 37 фоиз, сиёсий партияларда 49 фоиз, олий таълимда эса 50 фоиздан ошганини фaҳр билан айтиш мумкин.

Бу борадаги ютуқларимиз натижасида 2023 йил 1 январда Парламентлараро Иттифоқ томонидан эълон қилинган "Аёллар сиёсатида" жаҳон рейтингидa дунёнинг 190 миллий парламенти орасида мамлакатимиз 45-ўринни эгаллади. Жаҳон банки индексидa Ўзбекистон гендер тенглик йўналишида дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат қаторида қайд этилди.

Ўтган йил сентябрь ойида эълон қилинган Очик гендер маълумотлари индексидa Ўзбекистон 69,7 балл билан дунёнинг энг яхши 20 та мамлақати қаторига кирди. Бу муҳим натижалар Парламентлараро Иттифоқнинг аёл парламентарийлар форуми ўзининг 40 йиллигини нишонлаётган бир даврда алоҳида аҳамият касб этади.

Муносиб меҳнат тамойиллари қафолати

Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасидаги муносабатлар йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Ҳамкорликнинг амалий ифодаси сифатида Ўзбекистон ва ХМТ ўртасида муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури имзоланган. 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини амалга ошириш ишлари ҳар икки йилда қабул қилинадиган ва аниқ тадбирларни ўзидa муҳассас этган "Йўл харитаси" асосида олиб борилади.

Ўзбекистонда муносиб меҳнат тамойилларининг фаол тарғиб этилаётгани, мажбурий меҳнатга қарши курашиш

Таълим

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН ЛОЙИҲА

Президент Шавкат Мирзиёев 27 март куни иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишди. Унда давлатимиз томонидан ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни рағбатлантириш бўйича кенг имкониятлар яратилаётгани таъкидланди.



Дарҳақиқат, бугун юртимизда 14 та Президент мактаби, 185 та ихтисослаштирилган ва 9 та ижод мактаби ташкил этилган. Улардаги ўқитиш ва баҳолаш тизими 1 минг 500 та умумтаълим мактабиди ҳам жорий қилинган. Бу ёшларнинг билим ва салоҳиятини ошириш, иқтидорини чарклаш, оруз-ниятларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон — истеъдодларга бой замин. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳатто энг олис қишлоғу овулларда ҳам нигоҳи ўткир, қувваи хофизаси баланд йигит-қизларни истоганча топиш мумкин. Бу ёшларга тўғри йўл кўрсатилиб, ўзини намоён этиши учун қўмак берилса, улардан Ватанимиз тараққиётига қамарбаста бўладиган етук мутахассислар етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Хозирги кунда мамлакатимизнинг чекка ва тоғли ҳудудларидаги ўқув масканларининг таълим сифати вилоят маркази ва шаҳарлардаги мактабларга нисбатан фарқланиши ҳеч кимга сир эмас. Яъни марказларда ахвол яхши, бирок чекка, айниқса, тоғли ҳудудларда ҳавас қилса аризгулик эмас. Бунинг турли объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Жумладан, бу ҳудудларда юқори маалали педагог кадрлар етишмайди, мактаб лабораториялари ҳам махсус жиҳазлар тақчил. Табиийки, мазкур ҳолат шахар ва чекка ҳудудлардаги мактаблар таълими сифатида тафовутни юзага келтирмоқда.

Бундан икки йил муқаддам юқоридаги муаммоларга ечим сифатида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси ўртасида чекка ва тоғли ҳудудлардаги ўқув масканларида таълим сифатини оширишга қаратилган меморандум имзоланди. Унга асосан “Мирзо Улуғбек” онлайн мактаби ташкил этилиб, онлайн дарс ўтиш учун мактаблар танлаб олиниди ҳамда улар барча жиҳоз ва ускуналар билан таъминланди.

Айтиш жоизки, бундай билим ўқокларининг очилиши мамлакатимизнинг чекка ва тоғли жойларида ҳам таълим сифатини ошириш, ушбу ҳудудларда истиқомат қилаётган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга замин яратди.

Аввалбосида мазкур онлайн мактаб учун тоғли ва чекка ҳудудлардаги 3 та ўқув даргоҳи танланган бўлса, ҳозирги кунда Фориш, Қўшработ, Денов, Деҳқоновод, Тупроққалъа, Фаргона, Тўртқўл, Нурота, Нуробод, Сарийоси туманларидаги 10 та мактаб қам-

раб олинди. Шунингдек, дастлаб 2 та фан қўшимча дарс сифатида бепул ўқитилган бўлса, айни пайтга келиб улар сони 5 тани ташкил этмоқда.

“Мирзо Улуғбек” онлайн мактаби дарслари Тошкент шаҳрида жойлашган Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси биносида махсус дарс беришга мўлжаллаб жиҳозланган хоналарда олий тоифали, халқаро сертификатга эга ўқитувчилар томонидан мунтазам ўтказиб бориляпти. Ушбу дарслар тоғли ҳудудларда таълим олаётган ўқувчиларга мутлақо бепул ташкил этилгани кўплаб навқирон авлод вакилларига билим эшикларини кенгроқ очиб имкониятини яратмоқда.

Таъкидлаш лозим, онлайн мактаб жуда қисқа тарихга эга бўлишига қарамай, юртимизнинг чекка ва тоғли ҳудудларидаги мактабларда таълимнинг янги йўналишини бошлаб бергани айни ҳақиқат. Шунингдек, ушбу мактабларда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва билим савиясини ошириш борасидаги ишлар туфайли сўнгги йилларда таълим сифатида ўсиш кузатилгани ва улардан олий ўқув юртларига кирган ўқувчилар сафи ортгани амалга ошираётган ишларимиз нечоғли самара бераётганидан далолат.

Асосийси, “Мирзо Улуғбек” онлайн мактабининг келажақ учун режалари катта. Ўқув дастурига мувофиқ, Президент мактабларининг энг яхши педагог-ҳодимларини жалб қилган ҳолда аудио-видео курслар тайёрлаш, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган дарсликлар, асосий ва ёрдамчи адабиётларнинг зарур таркибини электрон шаклга ўтказиш ва интернет тармоғига жойлаштириш, ўқитувчилар учун алоҳида замонавий дидактик материаллар яратиш, маҳалла ва мактаб ҳамжиҳатлигини яхшилаш мақсадида онлайн платформина ишлаб чиқиш шулар жумласидан.

Лойиҳага истиқболда юртимизнинг барча чекка ва тоғли ҳудудларидаги умумтаълим муассасаларини қамраб олиш режалаштирилган. Бу мамлакатимизда таълим сифатини янада оширишга, марказдан олис ҳудудларда муҳитни ўзгартиришга, неча-неча истеъдод болукларининг кўз очиб, атрофга зиё таратишига, эртамиз эгаларининг келажаққа ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Оқил САЛИМОВ,
академик.

ТОШКЕНТДА КЎКСАРОЙ МАКЕТИ ЯРАТИЛАДИ

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази таркибиди тарихий обидаларни тиклаш ва уларнинг илмий-назарий тадқиқотларини ривожлантириш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шундай лойиҳалардан бири — Самарқанддаги Кўксарой мажмуасининг макетини яратишдир.

Ташаббус

Марказ Ахборот хизмати хабарига кўра ушбу лойиҳа орқали тарихий ёдгорлиқни замонавий технологиялар ёрдамида қайта жонлантириш ва экспозиция таркибиди намойиш этиш режалаштирилган.

Кўксарой мажмуаси ўз дав-

рида Самарқанднинг энг муҳим меъморий иншоотларидан бири бўлган. Манбалар асосида қайта тикланаётган ушбу макет 4 қаватдан иборат бўлиб, унда Арки олий, зарбхона, турли маъмурий бинолар ҳамда махсус қабулхона — Бўстонсарой ўрин ола-

ди. Шунингдек, Кўкшош тасвири тайёрланиб, экспозиция таркибига кириштилади. Умуман, бу тарихий ёдгорлиқнинг реконструкцияси тадқиқотчи-лар, сайёҳлар ва маданий меросга қизиқувчилар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бу ташаббус нафақат Самарқанд тарихининг муҳим бир қисми бўлган Кўксарой мажмуасининг қайта тикланишига хизмат қилади, балки келажақ авлодлар учун маданий ва илмий меросни асраш ҳамда оммалаштиришга ҳам ёрдам беради.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

ҚИЗИҚИШ БИЛДИРИШГА СЎРОВ

«Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик» лойиҳаси

Кредит рақами: 7425-UZB

Хизмат тавсифи: “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳаси доирасида ВРО бўйича халқаро мутахассис хизматларини кўрсатишга қизиқиш билдириш учун мувофиқ шахсларни (“Индивидуал консультант”) тақлиф қилади.

Қизиқиш билдиришнинг охириги муддати: 2025 йил 8 апрель соат 15:00 га қадар.

Батафсил маълумот учун: udip@it-park.uz Тел.: 71-209-11-99 (1037).

ҲАЁТ ЭЗГУЛИК ВА ЯХШИЛИК ТУФАЙЛИ ДОИМ ЁРУҒ ВА БАРДАВОМ

Аллоҳга шукрки, бу йилги Рамазон ойи юртимизда янада файзли, баракали ўтмоқда. Маҳаллау гузарларда, хонадонларда хайру саховат тадбирлари, эҳтиёжманд инсонларга ёрдам қўлини чўзиш каби савоби улуг амаллар уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, улуг айём кунларининг бундай шуқуҳли ўтиши, оилалардаги қувонч шодликлар Яратган Парвардигорнинг диёримизга ато этган тинчлик неъматидандир.

Муносабат

25 март куни юртимизнинг барча ҳудудида эҳсон дастурхонлари ёзилиб, ифторлик маросимлари ўтказилгани муборак ой шуқуҳини янада оширди. Уларга олтимингдан зиёд ҳамюртларимиз тақлиф этилиб, рўздорлар эҳтиёжмандлар, нуроний отахон-онахонлар, дуоғўй мўйсафидларнинг кўнгли олинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда ташкил қилинган ифторликда иштирок этиб, нутқ сўзлади. Эзгу дуолар ила ўтган тадбирда қалбларимиз шодликка тўлиб, яна бир бор шукроналик ҳиссини туйдиқ. Албатта, бундай хайрли амалларнинг ажру савоблари ҳам улкан бўлади.

Рамазон ойида юртимизда етим-есир, бева-бечора, беморлар ва эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиш, рўздорларга ифторлик қилиб беришдек савобли амаллар неча асрлик эзгу анъаналаримиздан. Бундай хайрли ташаббуслар кун сайин кенгайиб бораётгани мамлакатимизга файз-барака ёғилиб турганидан яна бир нишона.

Моҳи Рамазон нафақат шахс қамоли, нафс тарбиясига, балки жамиятга бир қанча ижобий таъсир кўрсатиши жиҳатидан ҳам аҳамиятли. Бу ойда кишилар

ўзаро меҳр-муҳаббат ва ҳамжиҳатликда бўлади. Ҳамма бир вақтда рўза тутиб, таомланишни бошлаш жамиятда бирлик ва бир-бирини тушуниш ҳиссини кучайтиради. Қамбағалларга ёрдам бериш, эҳсонлар қилиш орқали кам таъминланган қатламнинг турмуш даражаси яхшиланади.

Президентимиз ўз нутқида бугуннинг долзарб вазифаси — фарзандларимизни илм-маърифатга тарғиб этиш, ёт гоилар таъсиридан соқлаш борасида имом-хатиблар, кўпни кўрган отахон ва онахонлар, маҳалла фаоллари, ҳожиларнинг ўрни бекиёс эканига урғу қаратди. Жамиятимиздаги эзгу ишларда дин пешволари, нуронийлар, кенг жамоатчилигимиз фаол иштирок этаётганини миннатдорлик билан таъкидлади.

Бу самимий эътироф бизга янада катта масъулият юклаб, ёшларни ташки таъсирлардан ҳимоялаш борасида бундан-да фаол бўлишга ундайди.

Ўтказилган ифторликларнинг фазилатларига келсак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана бу ҳадислари ёдга тушади:

“Рўздорга ифторлик берган одам ўша рўздорнинг ажрига тенг савоб олади” (Имом Термизий ривоят). Бу ҳадисдан анг-лашиладики, ифторлик улашиш инсонга улкан савоб ва барака



олиб келади. Уйда оила аъзолари билан, қўни-қўшни, кам таъминланган кишилар ва муҳтожлар билан бирга ифторлик қилиш ислом ахлоқининг муҳим қисмидир. Чунки Аллоҳ таоло бизларни бир-биримизга ёрдам бериш, меҳр-оқибат кўрсатишга буюради. Ислон дини меҳр-оқибатни инсоннинг энг улуг ҳислатларидан бири сифатида улуғлайди.

Бундай ажри улуг ишлар Рамазон ҳайити кунларида ҳам давом этади. Бу кун хурсандчилик қилинадиган, қавм-қариндошлар, ёр дўстлар ўзаро дийдорлашиб, бир-бирларидан ҳол-ахвол сўрайдиган, Аллоҳ таолонинг фазлу марҳамати ёғиладиган кундир. Шунинг учун ҳам ийд кунлари бутун юртимизда кенг миқёсда нишонланади.

Қуни кеча давлатимиз раҳбарининг “Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унда бу кунларни байрамона ўтказиш, маҳаллаларда ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат қадриятларини тараннум этиш, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш бўйича зарурий тавсиялар берилди.

Албатта, бундай байрамлар, шодиёналар тинч-осойишта элга татийди. Зеро, тинчлик ва тотувлик — ҳар бир жамиятнинг энг катта бойлиги. Юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм суриши Аллоҳнинг буюк неъматидир. Буни кадр-

лашимиз ва шукрона қилишимиз лозим. Байрам кунларида, гарчи айб бошқа томонда бўлса ҳам, ўзимиз бориб, дўстлик ва оға-инилик ришталарини тикласак, катта ажр-савобга эришамиз.

Яна бир нарсани эслатиб ўтиш лозим: ҳайит кунларини азага, хафагарчиликка айлантормаслик керак. Ўтганларни эслаш, руҳларини шод этиб, дуойи хайрлар қилиш яхши амал. Лекин булар байрам шуқуҳига таъсир этмаслиги зарур. Бу кунларда яқинларини йўқотган хонадонларга бориб, яраларини янгилаб юриш муслмонга ярашмайди. Шундай экан, бу айёмни шодиёна билан ўтказайлик.

Ҳайитда бир-биримизга хурсандчилик улашайлик. Имкон бўлса, аҳли оиламиз, фарзандларимизга ҳадиёлар берайлик. Оилаларда нафатлар Рамазон ойи, ҳайит кунлари, балки бошқа пайтларда ҳам байрамона қайфият ҳукм сурсин.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомизнинг “Яхшиларнинг иши — яхшилиқ қилишдир”, деган ҳикмати бежиз тилга олмади. Рамазон ойи туфайли нафсларимиз имкон қадар тарбияланди, гўзал хулққа, ўзгаларга ёрдам бериш каби яхши ҳислатларга одатландик. Ўзимизни ёмон одат ва ишлардан тийишни ўргандик. Энди мана шу одатни сақлаб қолиб, бундан кейин ҳам давом эттиришга ҳаракат қилайлик. Эришган маънавий даражамизни бир умрга сақлаб қолишга интилайлик. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу ҳаёт айнан эзгулик ва яхшилиқ туфайли доимо ёруғ ва бардавомдир.

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,
Ўзбекистон муслмонлари идораси
раиси, муфтий.

КЕЛАЖАККА ТАҲДИД БЎЛМАСИН

Қадимги хитойликлар ўз юрти, қалъасига душман кирмаслиги учун биз билган хитой деворини барпо этишган. Лекин ушбу девор бўлса-да, бир неча бор душман мудоффаини ёриб кириб, мамлакатга ҳужум қилган. Сабаби ўрганилганда сотқинлар маълум бир ваъда эвазига душманга ўз она юртига бостириб киришга шароит яратиб берган экан. Яъни ҳозирги замон тилида айтсак, коррупцияга йўл қўйган.

Нуктаи назар

Ҳамма замонларда ҳам жамиятнинг ривожланишига тўқсинлик қиладиган қўллаб-қўллатлар, қўсурлар мавжуд бўлган. Коррупция ҳам, унинг ускуралари ҳам ҳар қандай мамлакатнинг қушадасидир. Бу иллат иқтисодиётнинг хавф-хатар манбаи бўлиб, айниқса, давлатда пул оқимини издан чиқаради.

Сўнгги етти йилда Президентимиз ташаббуси билан янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги “Коррупциядан холи жамият қуриш” масаласи давлат сийсати даражасига олиб чиқилди. Соҳаларга янги “донор”лар орқали янги “кон” кириб келмоқда. Биргина олий таълимга ўқишга кириш ҳам, давлат идораларига ишга кириш ҳам, умуман, жамиятда “шаффоф ҳаракат” тизими йўлга қўйилдики, бу коррупцияга қарши курашишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётди.

Олий таълимни коррупциясиз соҳага айлантириш йўлида

Ҳазрат Мирзо Бедилнинг “Биринчи гиштини қийишқ қўрқан меъмор, осмонга етса ҳам қийишқдор девор”, деган фикрида улкан ҳикмат бор. Яқин ўтмишга назар солсак, 2017 йилга қадар билимсиз ўқувчилар “айланма йўллар” орқали талаба бўлган-ни ёки дарсга келмасдан ҳам ўқишни тамомлагани ҳеч кимга сир эмас. Натижада ўқиш даврида ҳам ушбу талабалар олийгоҳ, жамоа, жа-



мият учун бош огриги бўлиб келди. Жамиятда “Пулинг ёки таннинг бўлмаса, ўқишга кирирмайсан” деган фикрлар аста-секин ҳақиқатга айлана бораётган давр ҳам бўлган.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилда олий таълимни коррупциясиз соҳага айлантириш бўйича устувор вазифаларни белгиллаб берди. Барча олийгоҳда абитурientларни ўқишга қабул қилишдан тортиб, токи ўқиш жараёнларини битириб чиққан даврига қадар ҳеч қандай тўсиқларсиз, шаффоф тарзда ўқишга кириши ва ўқиш жараёнларини амалга ошириш лозимлиги айтилди.

Ўқишга қабул жараёни шаффофлигини таъминлаш мақсадида талабалар ва уларнинг ота-оналари, яқинлари онлайн кузатиши учун рақамлаштирилган тизим ишга туширилди. Абитурientга ўзи истоган таълим йўналишининг бир нечтасини танлаш имконияти яратилди.

Натижада сифатли ва билимли ўқувчиларнинг талаба бўлиш имконияти кенгайиб бормоқда. Айниқса, жамиятда ўқиган, билимли инсон талаба бўлади, деган фикр шаклланди. Аслида ҳам кейинги йилларда қачонлардир орзу,

туш каби ҳолатлар, яъни бир вақтнинг ўзида 10 та ёки 20 та дунёнинг нуфузли олийгоҳларига талаба бўлиш имконияти очилгани Президентимиз бош бўлган ислохотларнинг ёрқин самарасидир.

Олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича Комплаенс назорат тизимини бошқариш бўлимига фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳам соҳада учраши мумкин бўлган салбий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва у содир этилишининг олдини олиш имконини яратди.

Ҳозирги кунда Бухоро давлат университетидида ушбу тизимни бошқариш бўлими очилган бўлиб, профессор-ўқитувчилар, ҳодимлар ва талаба-ёшлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича турли семинар-тренинглари, давра суҳбатлари, флешмоблар, очик эшиклар кўни ташкил этиш билан ўз фаолиятини олиб бораётди.

Комплаенс назорат тизимини бошқариш бўлими университетнинг “Психологик клиника” илмий-тадқиқот маркази билан ҳамкорликда вилотимиздаги барча ташкилот, муассаса ва корхоналарда коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида 16 соатлик, 5 кунга мўлжалланган ўқув-амалий махсус курслар ташкил қилиняпти. Мазкур курсларда тегишли соҳа ҳодимлари-га Бухоро вилоти коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши ҳамда халқ депутатлари вилот Кенгашининг

суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси томонидан ўқув-семинарлар ўтказилиб, унинг якуни бўйича сертификатлар топширилмоқда.

«Халоллик вакцинаси» лойиҳаси — амалда

Университетда Коррупцияга қарши курашиш талаба-ёшлар клуби аъзолари томонидан “Халоллик вакцинаси” лойиҳаси ташкил этилди. Мазкур лойиҳа доирасида иқтидорли, ташаббускор, жонқуяр ҳамда ватанпарвар талаба-ёшлар университетда “Коррупциядан холи жамият сари”, “Ёшлар коррупцияга йўқ дейди!” шорлари остида талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ва коррупцияга қарши тоқатсизлигини ошириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари, давра суҳбатлари ташкил этиляпти.

Бундан ташқари, Комплаенс назорат тизимини бошқариш бўлими ҳузурида Аксилкоррупция қоворкинги маркази тузилган бўлиб, марказ аъзолари томонидан университет факультетлари ва бўлиmlари орасида коррупция хавфи юзага келиши мумкин бўлган соҳа-йўналишларни аниқлаш ҳамда баҳолаш, уларга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш тadbирлари олиб борилаётди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси баёнида

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги барча олий таълим муассасалари ректорлари билан биргаликда талаба-ёшларнинг коррупцияга қарши лойиҳалари, стартап ва инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш топириги белгиланган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида университет Комплаенс назорат тизимини бошқариш бўлими ҳамда Психология ва социология кафедраси билан ҳамкорликда “Коррупцияга қарши психологик иммунитетни шакллантирувчи электрон платформа яратиш” номли амалий лойиҳа тайёрланди.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш орқали жамиятда, жумладан, таълим соҳасида ҳам коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмлари ишлаб чиқиладди.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг самарали молиявий, ҳуқуқий ва институционал механизмларини яратиш йўли ўз самарасини берди. Аммо шуни таъкидлаш керакки, коррупцияга қарши кураш аниқ муддат билан чегараланмайди. Бу тўхтовсиз жараёндир ва Ўзбекистон ҳукумати бу борадаги халқаро стандартларга мувофиқ коррупцияга қарши ислохотларнинг муваффақиятини таъминлаш бўйича янги қадамларни қўйишга интилмоқда.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали чет элда таълим олганлар танловсиз ишга қабул қилинади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 15 120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотиббаш 71-259-74-53;

эълонлар 71-259-74-45.

153N 0010-678A

4 770030 678004

Тахриратта келган қўлазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган танкилот жавобгар.

Газета тахриратта марказида терминал ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-йўй.

Навбатчи муҳаррир — Х. Қаршиев.

Мусаҳҳиш — С. Исламов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6